O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 1-iyun • Seshanba • 64 (31.184) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## ШАҲАРСОЗЛИК, АРХИТЕКТУРА ВА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда шаҳарсозлик ва архитектурани ривожлантириш, ҳудудлар, айниқса, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳолига янги уй-жойлар қуриш ва қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кўплаб дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 30 августда қабул қилинган 165-сонли қарори билан тасдиқланган "2005-2010 йилларда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари Дастури"га мувофиқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш мақсадида 2009 йилда намунавий лойиҳалар асосидаги 847 уй-жойдан иборат замонавий қишлоқ массивларини қуриш ишлари олиб борилган бўлса, 2010 йилда 159 туман ҳудудидан танланган 213 (1154,8 га) ер мавзеларида 6800 замонавий уй-жой тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қурилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2010 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишларга бағишланган йиғилишида Юртбошимиз кўрсатиб ўтганидек, шаҳарсозлик ва архитектура соҳасида қонунчилик талабларига амал қилмаслик ҳолатлари учрамоқда, бунга бошқа сабаблар қаторида қуйи бўғинларда мутахассисларнинг касб малакаси пастлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ҳудудларда шаҳарсозлик, архитектура ва ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик ижросининг ҳолати юзасидан ўтказилган текшириш натижалари бу борада ҳудудларда айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудлигини кўрсатди.

Ҳудудларда шаҳарсозлик, архитектура ва ер ресурсларидан фойдаланиш борасидаги муаммо ва камчиликларни муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплексининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Бош прокуратура вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг капитал қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари, ҳудудий идора ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашдилар.

Йиғилишда қайд этилишича:

Ҳудудларда аҳоли пунктларининг бош режалари ва шаҳарсозлик ҳужжатларига зид равишда, лойиҳа муаллифлари розилигисиз ва тегишли идораларнинг ижобий хулосаларисиз ер майдонлари ажратиш ҳолатларига йўл қўйилган. Оқибатда айрим объектларнинг қурилиш ишлари меъморий меъёрлар, коммуникациялар, транспорт, экология, санитария ва аҳоли пунктларининг истиқбол режаларига боғланмаган ҳолда амалга оширилган.

2-бет >>

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



## Болалар кулсин дунёда!

Халқимиз болажон. Фарзандининг бахти, қувончу шодлиги унинг учун ҳар нарсадан азиз. Боланинг қувончли табассумини кўрган ҳар бир кишининг дили яйрайди.

ЎзХДП Тошкент шаҳар ҳамда Чилонзор туман кенгашлари ташаббуси билан Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган тадбирда ҳам болалар қувончи оламни тўлдирди.

Тумандаги бир нечта мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамда партия фаоллари 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан қутладилар.

— Тадбирда тумандаги 6 та мактабгача таълим муассасасининг 400 нафарга яқин тарбияланувчилари иштирок этаяпти, — дейди Чилонзор туман партия кенгаши раиси Раъно Маматқулова. — Болажонлар қувончи — бизнинг ҳам хурсандчилигимиз. Юртимизда фарзандларга ғамхўрлик, эътибор кучли. Ёш авлод камолоти учун барча шароитлар, имкониятлар мавжуд. Давлатимиз раҳбари томонидан бу йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ҳам фикримизнинг яққол исботидир. Фарзандларимиз — келажагимиз. Уларни ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишишлари учун ҳар биримиз масъулмиз.

— Байрамларни болажонларимиз интиқиб кутишади, — дейди тумандаги Хумо номли 309-мактабгача таълим муассасаси мудири Сайёра Адашева. — Аслида, масканимизда бу каби тадбирлар кўплаб ўтказилади. Аммо бугунгидай шодиёна биз учун ҳам қувончли. Муассасамиздан 40 нафарга яқин болажон бу тадбирда иштирок этаяпти. Уларнинг қувончи юз-кўзларида акс этиб турибди.

Болажонларнинг куй-қўшиқлари, рақсларию Ватан ҳақидаги шеърлари нафақат иштирокчиларга, балки атрофдагиларга ҳам шодлик улашди. Шўх ўйин-кулги билан якунланган тадбир сўнгида халқ депутатлари Тошкенг шаҳар Кенгаши депутати Александр Мелкумов ҳомийлигида уларга эсдалик совғалари топширилди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Сайлов округидаги ишлар ➤2

Меҳр-оқибат

➤3

Бойсуннинг қуралайлари

➤4

*— Мамлакатингизга бундан тўрт йил муқаддам келган эдим. Шу қисқа вақт ичида юртингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Мен Жаҳон банкининг айнан Ўзбекистондаги вакили бўлганимдан, юртингиз билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётганимдан фахрланаман.*

**Мишель МОРДАСИНИ,**
***Жаҳон банкининг Шарқий Европа ва МДҲ бўйича ижрочи директори***

Муносабат

Юртимизда ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинларининг финал мусобақаларини ҳаяжонланиб кутаман. Жиззахда ўтказилган «Баркамол авлод — 2001» мусобақаси машъаласини аланга олдирган қувончли лаҳзаларимни, «Умид ниҳоллари»да эришган ғалабаларимни умр бўйи юрагимда сақлайман.

## Ўзбекистон талабаларининг нуфузли спорт анжумани

### юзлаб истеъдодларни кашф этди



Чунки айнан шу мусобақалар, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга берилаётган катта эътибор туфайли шоҳмот ҳаётимнинг мазмунига айланди, ютуқларим билан эл назарига тушдим.

Андижондаги стадионда Президентимизнинг «Универсиада — 2010» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригини тинглар эканман, беихтиёр кўзларимга қувонч ёшлари келди. Юртбошимиз биз ёшларнинг ҳар соҳада ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз учун қанчалар ғамхўрлик кўрсатмоқда, ишонч билдирмоқда. Ўша лаҳзаларда бу ғамхўрлик, бу ишончга жавобан универсиаданинг шоҳмот бўйича яккалик мусобақаларида ғолиб чиққанимдан беҳад хурсандман.

Биз шоҳмотчиларни бу йил масъулиятли мусобақа — Жаҳон шоҳмот олимпиадаси кутиб турибди. Мен шу олимпиадада муваффақиятли қатнашиб, халқаро гроссмейстер талабини бажаришни ният қилганман. Йўлимда «Кичик олимпиада»мизнинг олови маёқ каби порлаб турар экан, ўзбек қизларидан биринчи бўлиб гроссмейстер даражасига эришаман, деган орзуимга етаман.

**Юлдуз ҲАМРОҚУЛОВА,**
**«Универсиада — 2010» ғолиби, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати.**

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

## ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

### *жуда катта масъулият талаб этади*

Мамлакатимиз парламенти, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларида ЎзХДП депутатлик бирлашмалари янги таркиб билан иш бошлаганига беш ой бўлди. Ўтган давр мобайнида партиямизнинг депутатлик корпуси ташкилий жиҳатдан ўз фаолиятини йўлга қўйди. Эндиги асосий вазифа — электорат манфаатини ҳимоялашга доир ишларни кучайтиришдан иборат.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган семинарда мазкур масала кўриб чиқилди. Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мавзуси партия фаоллари томонидан муҳокама этилди.

2-бет

## *«Партия ташкилоти етакчиси қандай бўлиши керак, бугун ундан нималар талаб этилмоқда?»*

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

*— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимиз Президенти партиямиз фракциямиз раҳбарига сиёсатчи ким, деб савол берди ва ушбу масалада ўз муносабатини билдирди. Демак, партиямизнинг ҳар бир етакчиси, аввало, мана шу юксак талабга жавоб берадиган сиёсатчи бўлиши керак.*

*Жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга нималар тўсқинлик қилаётганини нафақат яхши билиши, балки уларни бартараф этиш борасида аниқ таклифларга эга бўлиши лозим. Тегишли ҳудудларда маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишнинг янги ва самарали механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.*

*Партиямиздан сайланган депутатлар, депутатлик гуруҳининг қандай ишлаши ҳам кўп жиҳатдан партиямиз етакчиларига боғлиқ. Депутатлар турли соҳадан чиққан, ҳар хил касб-кор эгаси. Демак, уларнинг куч ва имкониятларини бирлаштириш, мақсадга тўғри йўналтириш ҳамда мавжуд имкониятдан моҳирлик билан фойдаланиш етакчи зиммасидадир.*



**Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси***

Осиё чемпионати

## Ҳамюртларимиз кумуш медаль совриндори

Пойтахтимизда футзал бўйича якунланган қитъа чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси кумуш медалга сазовор бўлди.

Бронза медали учун Япония ва Хитой терма жамоалари ўртасидаги учрашувда кунчиқар юрт вакиллари катта устунлик билан ғалаба қозонишди — 6:1.

Финал учрашувини мамлакатимиз терма жамоаси уюшқоқлик билан бошлаб, эронликлар дарвозасига кетма-кет иккита тўп киритди. Кейин тажрибали Эрон терма жамоаси ташаббусни ўз қўлига олди. Якуний ҳисоб — 3:8. Эрон терма жамоаси ўнинчи бор Осиё чемпиони бўлди. Мамлакатимиз терма жамоасига эса учинчи бор кумуш медаль топширилди.

Матбуот анжуманида терма жамоамизнинг бразилиялик бош мураббийи Сержио Сапо шундай деди: «Мен японияликлар билан уч йил ишлаб, Осиё чемпионлигига эришгандим. Ўзбекистонда ишлаётганимга бир йил ҳам бўлгани йўқ. Ўйлайманки, биз тўғри йўлга чиқиб олдик. Энди бу йўлдан оғишмай давом этишимиз керак. Мақсадимиз — келгуси Осиё чемпионатида жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритиш».

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

1 июнь об-ҳавоси



| Юртимизда | | Хорижда | |
|---|---|---|---|
| Тошкент | 31°C | Лондон | 24°C |
| Самарқанд | 32°C | Париж | 26°C |
| Нукус | 28°C | Москва | 16°C |
| Қарши | 34°C | Мадрид | 28°C |
| Урганч | 29°C | Пекин | 19°C |
| Навоий | 31°C | Гонгконг | 27°C |
| Фарғона | 30°C | Рим | 23°C |
| Бухоро | 32°C | Анқара | 20°C |
| Андижон | 30°C | Токио | 24°C |
| Наманган | 30°C | Стокгольм | 16°C |
| Термиз | 36°C | Кейптаун | 25°C |
| Жиззах | 31°C | Қоҳира | 29°C |
| Сирдарё | 32°C | Гавана | 36°C |
| Тошкент вил. | 32°C | Вашингтон | 19°C |



Депутат ва ҳаёт

# Сайлов округидаги ишлар

## депутат фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимиз Президенти парламентимиз фаолиятидаги камчилик ҳамда нуқсонлар, фойдаланилмасдан қолган имкониятлар ҳақида сўз юритди. Хусусан, парламент депутатларининг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилишини таъкидлади.

Шунингдек, депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти асосан шунчаки учрашувлар ташкил қилишдан иборат бўлиб қолгани, улар ҳам кўпинча номига ўтказилиб, фақат шикоят ва саволларга жавоб қайтариш билан чекланилганини афсус билан тилга олди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентида ҳар чоракнинг охирида депутатлар сайловчилар билан бевосита жойларнинг ўзида ишлаши белгилаб қўйилган. Шунга мувофиқ, парламентимиз депутатлари айни пайтда сайлов округларида ишламоқдалар.



***Хўш, бу жараён қандай ташкил этилмоқда? Президент танқидидан қандай хулосалар чиқарилди? Депутатларнинг сайлов округларидаги тизимли фаолияти самарадорлигини ошириш учун қандай чоралар кўрилмоқда? Шу каби саволлар билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Улуғбек ВАФОЕВга мурожаат этдик.***

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округлардаги фаолияти 28 майдан бошланган ва 6 июнга қадар давом этади, — деди Спикер ўринбосари. — Депутатларимизнинг бевосита жойларнинг ўзида олиб бораётган ишлари олдингиларидан анча фарқ қилади.

Аввало депутатларимиз сайлов округларига аниқ мақсад билан чиқишди. Бу борада биринчи марта Қонунчилик палатаси Кенгашининг алоҳида қарори қабул қилиниб, вазифалар аниқ белгилаб берилди. Аввал сайлов округларида 7 кун бўлардик. Бу сафар 10 кун вақт ажратилди. Илгари сайловчилар билан учрашувларда асосан тарғибот-ташвиқот ишлари билан чекланган бўлсак, бу гал қонунлар ижросини ўрганиш вазифаси ҳам юклатилган. Шунга асосан, депутатлар ўз округидаги фаолиятини режа асосида ташкил этмоқда.

Юртбошимиз парламент палаталарининг қўшма мажлисида: «Айнан ана шундай фаолият қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётганини, хўжалик юритиш амалиёти бугунги кунда қандай қонунларга муҳтож эканини, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш учун депутатга имкон берган бўларди», дея таъкидлаган эди. Биз мамлакат раҳбари билдирган фикрларни амалда қўллашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

***— Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятининг асосий йўналишлари нималардан иборат бўлади, улар қандай тадбирларни амалга оширадилар?***

— Қонунчилик палатаси Кенгашининг бу борадаги тавсиясига кўра, депутатлар сайлов округларига боришдан аввал ўз режасини тузиб олишди. Уларда асосан тўртта йўналишда иш олиб боришга эътибор қаратилган.

Биринчи йўналиш жойларда турли тадбирлар ўтказишдан иборат. Бунда, депутат мустақил равишда, ўз сайловчилари билан учрашув, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказади. Ушбу тадбирлар орқали ўз сайловчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари, ўзи аъзо бўлган қўмита ва фракция фаолияти ҳақида ахборот беради. Аввалги учрашувларда сайловчилар томонидан билдирилган таклифлар юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича гапириб беради. Сайловчиларни тинглайди, фикрларини ўрганади, саволларига жавоблар қайтаради.

Иккинчи йўналиш бу — депутат сифатида фуқароларни қабул қилишдир. Қабул вақти ва жойи ҳақида маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали сайловчиларга олдиндан хабар берилиши керак.

Бизнинг фракциямиз аъзолари фуқароларни қабул қилишда партиямизнинг маҳаллий кенгашлари имкониятидан кенг фойдаланмоқда. Бу орқали депутатларимиз партия кенгашлари фаоллигини ошириш, ишини жонлантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Депутатларнинг сайловчилар билан ишлаш жараёнида оммавий ахборот воситаларида чиқишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, маҳаллий ОАВ сайловчилар билан ишлашнинг муҳим воситаларидан биридир.

Яна бир муҳим йўналиш бу — қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижросини ўрганиш, мониторинг қилиш масаласидир.

***— Шу ўринда изоҳ бериб ўтсангиз, қонун ҳужжатлари кўп. Депутатлар айнан қайси қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганади? Ёки ҳар бир депутат бу масалани мустақил равишда ўзи белгилайдими?***

— Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарур» эканини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини бутун мамлакатимиз бўйлаб тизимли равишда ўрганишни таклиф этди. Депутатларимиз ҳозир мазкур масала бўйича ишлашмоқда. Умуман, бундан буён депутатлар жойларга чиқишидан олдин маълум бир масалани тизимли ўрганиши йўлга қўйилади...

Демак, ҳозир кун тартибидаги масала: аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалланинг ўрни, у ерда амалга оширилган ишларни ўрганишдан иборат.

Шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳамда «2010 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминаш дастури»нинг бажарилиши жараёнини ўрганиш ҳам белгилаб олинган.

Депутат фақатгина ушбу қонун ҳужжатларини ўрганиш билан чекланиб қолмаслиги, ўз ташаббуси ёки тегишли фракциянинг тавсиясига кўра, бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини ҳам ўрганиши мумкин.

Ҳар бир депутат, қонунларни ўрганиш якунларига кўра таҳлилий маълумотнома тайёрлайди. Уларнинг таҳлиллари умумлаштирилади. Хулосалар асосида тегишли қўмита қонунни такомиллаштириш устида ишлайди.

Тўғрисини тан олиш керак, депутатларнинг сайлов округида ишини ташкил этиш тартиби камчиликлардан холи эмас. Сайлов округларига ҳар бир чиқишимиздан кейин, депутатларнинг таклифлари, тўпланган тажриба асосида сайловчилар билан ишлаш тартиби ҳам такомиллашиб боради.

**Асли КАМОЛ суҳбатлашди.**

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

# ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

## жуда катта масъулият талаб этади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**
***Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:***

— Партиямизнинг сайловолди ваъдаларини бажариш, электорат манфаатини ҳимоя қилишда депутатларимизнинг фаолияти ва ваколатларидан мақсадли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Жойларда ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини оширишга халақит бераётган жиддий камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, очиқ, ошкора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, уларни бартараф этиш бўйича жиддий чоралар кўришимиз зарур. Шу маънода, қонунларда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш борасида сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди. Мазкур ишлар воситасида биз электоратимиз ишончини қозонишимиз мумкин. Мана, бугун партиямизнинг 2600 нафарга яқин турли даражадаги депутати бор. Бу жуда катта куч, албатта. Агар уларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари, ваколатларидан самарали фойдалансак, бизга ишонган қатламга хизмат қилишнинг янги имкониятлари юзага келади.

***Хўш, депутатларимиз партия электоратини ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш, ечимини топиш юзасидан қандай ишларни амалга ошираяпти? Маҳаллий Кенгашларнинг бир неча сессиялари бўлиб ўтди. Уларда қайси масалаларни кўтариб чиқдик, кун тартибига олиб кирдик? Сайловчиларнинг олдига борганда улар қўядиган саволларга қандай жавоб берамиз? Қайси ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлашларини сўраймиз?***

Бу саволлар ҳар бир депутатни сергак торттириши табиий.

**Хайрулла РЎЗМЕТОВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида вакиллик органлари қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклларидан суст фойдаланаётганини алоҳида таъкидлаган эди. Бу борадаги камчиликларга барҳам бериш эса бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир.

Шундай экан, биз депутатлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга қонунлар, дастурлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан қатъий назорат ўрнатишимиз лозим. Шу билан бирга, ижро ҳокимияти раҳбарлари, жумладан, ҳоким, унинг ўринбосарлари, ҳокимлик бўлим ва бошқармалари раҳбарларининг, улар бевосита масъул бўлган соҳаларда қонунларнинг қандай бажарилаётганини бўйича ҳисоботларини тинглаб бориш амалиётини кенгайтириш зарур. Шу орқали халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз фаолиятини жонлантириш, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга таъсирини оширишга эришиш мумкин.

Депутатлик назоратини амалга ошириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатиш бўйича депутатларнинг ваколатлари қонунларда мустаҳкамланган. Депутатлик назоратини учта босқичга бўлиш мумкин. Улар назорат объектини аниқлаш, тайёргарлик, назоратни бевосита амалга оширишдир.

***Биринчи босқич***да депутат қайси соҳаларни ўрганиб чиқмоқчилигини, назорат қилиш эҳтиёжи юзага келган объектларни аниқ белгилаб олиши лозим. Бунинг учун у электорат фикрини ўрганиши, аҳоли турмуш тарзига таъсир кўрсатаётган омилларни ва давлат ҳокимиятининг қайси органи бу соҳага масъуллигини аниқлаши керак.



***Иккинчи босқич***да бу соҳада қандай қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилаётгани ҳамда уларнинг бугунги кун талабларига қанчалик жавоб беришини ўрганиши керак.

***Учинчи босқич***да депутат қонун билан берилган барча ҳуқуқ ва ваколатларидан моҳирона фойдаланган ҳолда тегишли давлат ҳокимияти органларига мурожаат қилиб, масаланинг ечимига ўз таъсирини кўрсатиши лозим.

Депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асосли тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этишга ҳақлидир. Унга берилган ахборот тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида муҳокама қилиниши мумкин.

***Бизнинг сайлов округларида, электоратимиз орасида олиб борган ишларимиз беиз кетмаслиги керак. Уларга асосан тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида кўриб чиқиш учун масалалар таклиф этиш, халқ депутатлари Кенгашига ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи, ахборотини сессияда эшитиш тўғрисида таклиф киритиш, қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, Кенгаш қарорларининг бажарилиши юзасидан масалалар таклиф этиш зарур.***

Шуни таъкидлаш ўринлики, ўз вазифаларини бажармайдиган, депутатнинг ишига тўсқинлик қиладиган, била туриб ёлғон ахборот берадиган, депутат фаолиятининг кафолатларини бузадиган мансабдор шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Қонунларимизда Сайловолди дастуримизда белгиланган вазифаларни бажариш, электоратимиз манфаатларини қатъият билан ҳимоялаш учун зарур барча ҳуқуқ, ваколатлар яратилган. Улардан қандай фойдаланиш эса фақат ўзимизга боғлиқ.

**Сирожиддин АЪЗАМОВ,**
***ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Бугун энг асосий эътибор депутатларнинг фаоллигини ошириш ва депутат назоратини жонлантиришга қаратилмоқда. Бунинг учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

Биз вилоятимиз миқёсида бу борадаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз. Хусусан, депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини янгича асосда ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича депутатлар томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам ўз натижаларини кўрсатмоқда. Аммо бу борадаги фаолиятни янада жадаллаштириш, масалаларнинг ечимига янгича ёндашувни шакллантириш зарурати туғилмоқда.

Шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг уй-жойни сақлаш ва фойдаланишда учраб турадиган бепарволик, хўжасизлик ҳолларининг олдини олиш ҳамда соҳадаги айрим муаммоларни ечиш учун рақобат муҳитини ривожлантириш ғоят муҳим.

***Минтақада коммунал хизматлар таннархини жиддий камайтириш ва бошқа масалалар устидан доимий мониторинг олиб бориш орқали қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш давр талаб этаётган муҳим масаладир.***

Баъзи депутатлар сайлов ўтиб, депутат бўлиб олгандан сўнг, сайловчини унутиб қўяди. Айрим депутатлар эса асосий ишидан ортмаётганини баҳона қилиб, депутатлик мажбуриятларини виждонан адо этишга вақт тополмайди. Сайлов яқинлашиши билан яна жонланиб қоламиз. Мана шу иллатдан қутулиш керак. Халқимиз бизни синчковлик билан кузатаётганини унутмайлик.

**Учқун ШОЙИМҚУЛОВ,**
***ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Очиғини тан олиш керак, ўтган чақириқда шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз йирик бирорбир масалани сессиялар кун тартибига киритишда ўз ваколат ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланди, дея олмаймиз.

***Ваҳоланки, депутатлар ваколатлари, маҳаллий Кенгаш даражасида ҳал этилиши зарур бўлган, партиямиз электоратини ташвишга солаётган ижтимоий масалалар етарли эди.***

Баъзи депутатларимизнинг ўз ҳуқуқ ва вазифалари ҳамда масъулиятини тўла англаб етмаганлиги, ўз фаолиятини тўғри ташкил эта олмаслик, нафақат сайловчилар, электорат, балки, партия кенгашлари билан алоқаларнинг узилиб қолиши сабабли айрим масалалар ўз вақтида ечим топмади. Натижа нимани кўрсатди? Биз ўтган сайловда жуда машаққат билан иштирок этдик. Аввалгидан кўра кўпроқ ўрин эгаллаган бўлсак-да, кўзлаган натижага эриша олмадик.

Бугун биз, аввало, бундан сабоқ чиқаришимиз шарт. Барча минтақада депутатлик гуруҳларимиз партиямизнинг Ҳаракат дастури асосида қатъият билан фаолият кўрсатсагина мақсадга эришиш мумкин.

✧✧✧

Шунингдек, семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Турсунбоев, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бош врачи, шаҳар Кенгаши депутати Элмира Боситхонова, Юнусобод туман партия кенгаши раиси, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова, Ангрен шаҳар партия кенгаши раиси, шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Бахтиёр Йўлдошев ва бошқалар ҳам ўз мулоҳазаларини билдирди. Улар депутатлик гуруҳлари фаолиятини тўғри ташкил этиш, ваколатидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, партия ташкилотлари, хусусан, жамоатчилик қабулхоналари билан алоқаларини, электоратга, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга дахлдорлигини кучайтириш билан боғлиқ таклифларни билдиришди. Айтилган барча фикрлар умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Энди мазкур мавзу партиямизнинг сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида барча даражадаги ўқувларда ўрганилади.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ШАҲАРСОЗЛИК, АРХИТЕКТУРА ВА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жойлардаги маҳаллий ҳокимлик, табиатни муҳофаза қилиш, ер ресурслари ва давлат кадастри, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳудудий органлари раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли қишлоқ хўжалик фондига қарашли бўлган, шу жумладан, суғориладиган майдонлар ва ўрмон фонди майдонларидан ҳам ер ажратиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Шунингдек, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнида ҳокимиятлар ҳузурида ташкил этилган ҳудудий комиссиялар фаолиятида жиддий камчиликлар ҳам учрамоқда. Хусусан, жойларда объектларни фойдаланишга қабул қилиш кўп ҳолларда муаллифлик назоратини, пудрат ишларини амалда кўришни, назорат ўлчовларини, қурилиш материаллари ва улар намуналарини лабораторияда синашни, амалга оширилган ишлар қайд этиладиган журналларни текширмасдан амалга оширилган.

Шу билан бирга, аҳоли пунктларини комплекс қуришни назорат қилиш ва ноқонуний қурилишларни бартараф этиш ҳудудий комиссиялари фаолиятини ташкил этишда жиддий камчилик ва нуқсонлар аниқланган.

Текшириш натижаларига кўра, прокуратура органлари томонидан қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 176 тақдимнома киритилган, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахсларнинг 1205 ноқонуний қарорларига протестлар келтирилиб бекор қилинган ҳамда ноқонуний қурилишларни бартараф этиш бўйича судларга 579 ариза киритилган. Натижада 173 гектар ер майдони давлат захирасига қайтарилган.

Бундан ташқари, 358 нафар мансабдор шахсга қонунларнинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантириш эълон қилинган, 709 мансабдор шахс маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортилган. Бу борадаги қўпол равишда қонунбузилиш ҳолатлари бўйича эса 28 жиноят иши қўзғатилган.

Кенгайтирилган йиғилишда ҳудудларда мавжуд муаммолар, камчиликлар, қонунбузилиш ҳолатлари ва уларга шароит яратиб берган мутасадди раҳбарлар фаолияти танқид қилиниб, уларга нисбатан тегишли қатъий кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, шаҳарсозлик, архитектура ва ер ресурсларидан фойдаланиш масалаларига оид амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ҳам аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, уларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича чора-тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди.

Бу чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш ҳамда доимий назорат қилиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Бундан ташқари, йиғилишда ҳудудларда шаҳарсозлик, архитектура ва ер ресурсларидан фойдаланиш борасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида бу каби ҳолатларни келтириб чиқармаслик юзасидан аниқ чоралар белгилаб олинди.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

# Меҳр-оқибат

**Болаларнинг жамиятда ижтимоий мослашуви учун уларга қадриятларимиз руҳида, энг замонавий йўналишда кўрсатилаётган хизмат ҳақида**

Юртимизда болалар саломатлигини ҳимоялаш, уларнинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етиши йўлида қилинаётган эзгу ишларда давлат муассасалари билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамғармаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази ана шундай ташкилотлардан биридир. Маълумки, марказ Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил сентябрдаги қарори билан ташкил этилган. У ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Истиқлол шарофати билан кўплаб миллий қадриятларимиз тикланди. Мўътабар қадриятларимиздан бири меҳр-оқибатдир. Республика Болалар ижтимоий мослашуви марказининг фаолияти айнан меҳр-оқибатга йўғрилган.

Марказ миссияси — ҳимояга муҳтож болаларга ижтимоий ёрдамни таъминлашда миллий институтлар фаолиятини уйғунлаштиришдан иборат.

**— Бир нечта йўналишда фаолият кўрсатамиз, — дейди марказ директорининг ўринбосари, педагогика фанлари номзоди Жамолиддин Фозилов. — Ижтимоий ҳимоя гуруҳига тааллуқли бўлган ногиронлар, психологик-жисмоний ривожида нуқсони бўлган ҳамда маҳаллалардаги чин етим болалар, нотинч оила фарзандлари, тарбия колониялари ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида бўлган ижтимоий-ҳуқуқий хатар гуруҳидаги болалар, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва таҳлил, қилиш бартараф этиш юзасидан мажмуавий дастурлар ишлаб чиқиш вазифамиздир. Муаммоларнинг юзага келиш хавфини пасайтириш борасидаги давлат дастурлари, мақсадли гуруҳларга тааллуқли жамоатчилик лойиҳалари ижроси борасидаги ишларни мониторинг қиламиз, бу тадбирларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлаймиз. Шунингдек, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тадқиқ этамиз, ўқув-услубий қўлланмаларни таҳлил қилиб, бу борадаги ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқамиз...**

Ҳаёт фалсафаси шу, вақт ҳамма нарсага ўзгартиш киритади. Олға интилаётган жамият такомиллашиб боради. Ижтимоий мослашув жараёнида болалар манфаатини ҳимоялашнинг янги йўналишлари вужудга келади. Шундай йўналишлардан бири аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, бунда вояга етаётган болалар ва уларнинг оилалари билан бевосита фаолият олиб борадиган ижтимоий иш ходимидир.

«Ижтимоий иш» атамаси қайсидир маънода бизга таниш, айни пайтда янги тушунча. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, хорижий давлатларда ижтимоий иш институтлари пайдо бўлганига юз йилдан ошган. Жаҳондаги қатор университетларда ижтимоий иш мутахассислари тайёрланади. Олимларнинг фикрича, ижтимоий иш ходимлари саъй-ҳаракати жамиятда ўз мевасини бериб келади, уларнинг фидокорона меҳнати туфайли болаларнинг соғлом ҳаёт кечириш кўрсаткичлари сезиларли даражада ошган.

Истиқлолдан сўнг мамлакатимизда ҳам ижтимоий иш йўналиши шаклланди. Бунда Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази алоҳида ўрин тутади.




Марказ мана шу хайрли ишнинг ташаббускорларидан бири десак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Ўзбекистонда ижтимоий иш институти ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари охирига келиб шакллана бошлади. 1998 йили ижтимоий иш олий таълим ихтисослари ва йўналишлар умумдавлат классификаторига янги йўналиш сифатида киритилди. Шу тариқа Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти, Самарқанд ҳамда Фарғона давлат университетларида ижтимоий иш йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлана бошланди.

Маълумки, махсус мактаб-интернат ва Меҳрибонлик уйларида болалар тарбиячи томонидан тарбияланади, ўқитувчи томонидан ўқитилади, раҳбарият эса уларни бошқаради.

Болалар улғайиб вояга етади, мустақил ҳаётга қадам қўйиш пайти келади. Мана шу вазиятда бир савол туғилади: хўш, улар катта ҳаётга ижтимоий мослаша оладими?

Ҳаммамиз яхши биламизки, бу муассасалар болани кейинги ҳаётга тайёрлаш билан шуғулланмайди. Жамиятимизда нисбатан янги йўналиш — ижтимоий ишчи эса бола махсус мактаб-интернатга, Меҳрибонлик уйига тушганидан бошлаб, унинг шу масканга келиш сабабларини, оиласидаги муаммоларни, қариндош-уруғлари, яқинларининг турмуш тарзини ўрганиб чиқади. Яна бир муҳим жиҳати — марказнинг жойлардаги ижтимоий иш ходими туман халқ таълими, ҳокимият ва маҳалла билан биргаликда етим боланинг ҳаёт тарзини таҳлил қилади, қариндошларига маслаҳат солади. Айтиш мумкинки, боланинг тақдири учун том маънода жон куйдиради.

Айниқса, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. 2007 йилдан буён Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази Тошкент давлат маданият институти билан бирга, ЮНИСЕФ болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида «Ўзбекистонда ижтимоий иш касбини илгари суриш ва ижтимоий иш бўйича қайта тайёрлаш дастурларини тарқатиш» лойиҳаси доирасида кенг кўламли ишлар олиб бораяпти.

Ижтимоий иш — аҳоли орасидаги муносабатларни яхшилаш, жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар жараёнида кишиларга кўмаклашиш, инсоннинг турмуш фаровонлигини ошириш учун ёрдам кўрсатиш бўйича касбий фаолиятдир. Яна бир жиҳати, бу соҳа одамлар, ижтимоий гуруҳларга шахсий ва ижтимоий қийинчиликларни бартараф этишида яқиндан кўмак беради.

Ижтимоий иш ходими илмий асосланган билим ва назарияга, далилларга асосланган ҳолда амалий фаолият олиб боради, ахлоқ тамойиллари ва мезонларига риоя қилади, оилалар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилот ва жамиятлар, асосан инсон билан ўзаро малакали иш юритади.

Ҳаёт-да, турмушда қайсидир оиланинг дарз кетган жойи бўлади, уруш-жанжал, қўйди-чиқди... Мана шундай носоғлом вазиятда айрим болалар турмуш сўқмоқларида тентираб, ўз йўлини йўқотади, адашиб жиноят кўчасига киради. Биз бу тоифани феъл-атвори, тарбияси оғир, бола деймиз. Бундай болалар жамиятда ўз ўрнини топиб олишда қийналади, маънавий мададга муҳтож бўлади, йилт этган нурга талпинади. Мослашув марказининг яна бир йўналиши — ана шундай болалар билан шуғулланади. Улар Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги қиз болалар учун мўлжалланган махсус коллеж тарбияланувчилари, Сирдарё вилояти, Бахт шаҳри, Тошкент вилоятининг Чиноз тумани ва Самарқанддаги ўғил болаларнинг махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари, республикамиздаги бошқа касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда таҳсил олаётган тарбияси оғир болалар, Зангиота туманидаги ёпиқ турдаги махсус таълим муассасасидаги болалар билан муттасил иш олиб боради.

Ҳар қандай эзгу ғоя, одатда, қайсидир қутлуғ масканда куртак очади. Мана, олти йилдирки, Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази ёш авлодни ҳаётга мослаштиришга оид турли форумлар ўтказиб келаяпти.

**— Марказ ташаббуси билан ўтказилган тадбирларда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни таълим-тарбия муассасаларига мослаштириш ғояси илгари сурилган эди, — дея ҳикоя қилади Жамолиддин Фозилов. — Биз парламентимиз билан ҳам ҳамкорлик қиламиз. Ҳозир «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида бир қатор қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш устида иш олиб борилмоқда. Жумладан, жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги ёки Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги, вояга етмаган болалар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси бўйича, 20 ёшга тўлмаган шахслар томонидан алкоголь ичимликлар истеъмол қилиш ва тамаки маҳсулотларини чекишни чеклаш тўғрисидаги қонунлар лойиҳасини тайёрлашда мутасадди вазирликлар қатори марказ мутахассислари ҳам иштирок этишди. Болалар ҳаётига оид ҳар бир қонун лойиҳаси яратилиш жараёнида бевосита иштирок этамиз, ўз фикр-мулоҳазаларимизни айтамиз. Чунки биз бевосита болалар билан ишлаймиз, уларга нафақат маънавий, балки ҳуқуқий кўмак бериш ҳам вазифамиздир.**

2007 йилдан марказ қошида ахборот-консалтинг хизмати иш бошлади. У ҳимояга муҳтож болалар гуруҳига психологик, ижтимоий-методик, юридик, методик, ахборот-таълимий ёрдам кўрсатиб келади. Муҳим жиҳати, айни пайтда ҳар хил турдаги ногирон ва жисмоний имконияти чекланган болаларга хизмат кўрсатишнинг инновацион ёндошуви ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаяпти.

Ахборот-консалтинг хизмати иш бошлагандан буён 2421 нафар бола ва уларнинг ота-онасига логопедик, психологик, педагогик ёрдам кўрсатилди. Болаларнинг 75 нафари Мурувват ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидир.

Марказ қошида республикамизда ягона Сенсор хонаси ташкил этилган. Дарвоқе, Сенсор хонаси ҳақида.

Болалар, ота-оналар гавжум хона, худди эртакдаги «сеҳрли қаср»ни эслатади...

Сенсор хонаси — бу инсоннинг кўриш, эшитиш, ҳид билиш, сезиш каби қобилиятлари ҳамда вестибуляр рецепторларга таъсир кўрсатувчи кўплаб стимуляторларнинг ҳар хил туридан ташкил топган ўзига хос атроф-муҳит. Бу хонага кирсангиз, ўзга бир дунё кўз олдингизда намоён бўлади...

Сенсор хонасида турли мутахассислар: ота-оналар ва болалар билан логопед, психологлар, коррекцион педагоглар машғулот олиб боради. Улардан бири боладаги мускул ва психик ҳиссий зўриқишни олиб ташлаб, руҳий мувозанатга эришиши учун машғулот ўтказмоқда, яна бири боланинг заифлашган сенсор функциясини ривожлантириш учун қайғуряпти...

Марказ мутахассисларининг таъкидлашича, ҳозирги кунда хизматнинг экспериментал майдончасида ривожида турли хил бузилишлар бўлган 2 ойлик гўдакдан 3 ёшгача бўлган 40 нафар бола шуғулланаётган экан. Бир гуруҳ аёллар:

— «Муваффақият калити» ота-оналар мактаби ўқувчиларимиз...» — дея ўзларини таништиришди.

Маълум бўлишича, бу мактабда ота-оналар оилада боладаги мавжуд имкониятларни ривожлантиришга туртки берувчи ижобий микромуҳитни шакллантириш кўникмаларини кундалик турмушда қўллашга ўрганаётган экан. Бола марказда ўрганган кўникмаларини уйда ота-онасидан эшитиб, тасаввурини мустаҳкамлаб боради.

Мактабда машғулотлар ҳар ойда икки маротаба ўтказилади.

**— Бу ерда ўзимга маслакдошлар топдим, — дейди бир ёшгина аёл. — Аввал ногирон фарзандимга тарбия беришда ўзимни ёлғиз ҳис қилардим. Ҳозир мактабда ота-оналар билан ўзаро фикр алмашаман, мутахассислар эса оила ёки ишхонада юзага келган муаммолар ечими бўйича маслаҳат беришади. Мен шу даргоҳда меҳр-оқибат тушунчасини чуқурроқ англадим...**

**— Фарзандимнинг келажак тақдирини ўйлаб, тўғриси, тушкунликка тушиб қолувдим, — дейди яна бир она. — Шу даргоҳга қатнаб, кўнглимда умид, боламнинг келажагига ишонч уйғонди...**

Мушоҳада қилиб кўрайлик. Республикамизда фаолият юритаётган ҳар бир Меҳрибонлик уйида ижтимоий иш ходимлари ишлаяпти. Айни пайтда республикамизда 26 та Меҳрибонлик уйи, 2 та болалар шаҳарчаси бор. Марказ раҳбарияти махсус мактаб-интернатларда ҳам ижтимоий ишчи хизмати жорий этиш юзасидан тегишли ташкилотларга таклиф киритишни режалаштирган. Ўйлаймизки, бу болалар ҳаётини ҳимоялаш борасидаги марказнинг яна бир қутлуғ қадами бўлади.

Маълумки, 2003-2004 ўқув йилида мавжуд 28 та Меҳрибонлик уйида 3648 нафар бола таълим-тарбия олган. Ҳозир Меҳрибонлик уйлари сони иккитага камайди, 2009-2010 ўқув йилида эса улар 26 тани ташкил этиб, уларда тарбияланувчилар сони 2465 нафар бўлди. Айтмоқчимизки, мингдан ортиқ бола жонажон оила бағрига қайтди! Бу жуда қувончли ҳодиса! Ахир, бола учун бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми!?

**Бунга осонликча эришилгани йўқ, албатта, — дейди Жамолиддин Фозилов. — Педагог ва ота-оналарнинг тинимсиз меҳнати, болаларга бўлган чинакам меҳр-оқибати ўз самарасини бермоқда. Болажон элмиз, боланинг бизга бегонаси йўқ, улардан меҳр-мурувватимизни аямаймиз. Мақсадимиз — болалар беками-кўст яшасин, ёш авлод комил инсон бўлиб вояга етсин, жамиятда мустаҳкам ўринга эга бўлсин!**

Марказда олиб борилаётган хайрли ишлар ана шу эзгу мақсадга, меҳр-оқибат тантанасига қаратилгандир.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири».**

Хорижда

Таиланд маъмурияти шу йил 19 майда пойтахт шаҳар Бангкокда ва мамлакатнинг 23 та музофотида жорий этилган комендантлик соатини бекор қилди. «Reuters» АА хабарига қараганда, комендантлик соатини яна узайтиришга энди эҳтиёж йўқ. Мамлакатда вазият тўлиқ ҳукумат назоратида.

## Комендантлик соати

**бекор қилинди**



Маълумки, Бангкокда жорий йилнинг 12 мартидан бери мамлакатнинг собиқ бош вазири Таксин Чинават тарафдорлари бўлмиш «қизил кўйлаклилар»нинг норозилик намойиши давом этмоқда эди. Улар Таиланднинг амалдаги бош вазири Апхисит Ветчачива истеъфосини ва парламент тарқатиб юборилишини, навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказилишини талаб қилдилар. Аммо қонунга зид бу ҳаракат ҳеч қандай самара бермади.

Айни пайтда намойиш иштирокчилари тарқатиб юборилган.

## Абитуриентлар қабули

**қисқартирилади**

Россия Мудофаа вазирлиги бу йил ҳарбий зобитлар тайёрловчи ҳарбий олий ўқув юртларига абитуриентлар қабулини анчагина қисқартиришга қарор қилди.



Мудофаа вазирлигидан олинган манбаларга асосланиб «Независимая газета» хабар тарқатишича, бу йил мамлакат ҳарбий ўқув юртларига, одатдагидек, бир неча минглаб эмас, балки бир неча юз курсант қабул қилинади, холос. Ваҳоланки, ўтган йили 2 мингдан ортиқ абитуриент ҳарбий олий ўқув юртлари курсанти бўлган эди.

Газета хабарида мисол келтирилишича, Қуруқликдаги қўшин ҳарбий ўқув-илмий марказининг филиали бўлмиш биргина Москва олий умумқўшин командирлари тайёрловчи ҳарбий билим юртига бу йил 150 нафар атрофида абитуриент қабул қилинади. Улар уч йил давомида ҳарбий ўқув курслари бўйича таълим олиб, ўрта босқич ҳарбий мутахассислиги дипломи олади ва мотоўқчи, танк, муҳандислик экипажлари бўйича командирлик вазифасини эгаллайди. Шуни таъкидлаш лозимки, бундан 3-4 йил аввал олий ҳарбий ўқув юртлари ва академияларга 18-20 минглаб талабгор ўқишга қабул қилинарди.

Мудофаа вазирлигининг кадрлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, контр-адмирал Пётр Антипиннинг маълум қилишича, қуролли кучлар 150 минг нафарлик зобитлар таркибига эга. Унда бир неча бор штатлар қисқариши амалга оширилди. Натижада бугун 40 мингдан ортиқ зобит штат бирлиги бўйича ўз вазифасида ишламаяпти, балки номига қўмондонликлар таркибида турибди. Яна 5 мингдан ортиқ зобит айни пайтда сержантлик таркибида хизмат қилаяпти, яъни сержант бажарадиган ишни қилмоқда.

Антипин яна шундан ташвишга тушаётганини билдирдики, ҳадемай, саноқли кунлардан кейин, яъни июнь ойида ҳарбий ўқув юртларини битириб, лейтенантлик юлдузини елкасига таққан ёш зобитлар ишсиз зобитлар армиясига келиб қўшилади. «Ҳозир уларнинг келгуси тақдири ҳақида бир нарса дейиш қийин. Энг асосийси, улар бизнинг кадрлар бўйича захира рўйхатимизда туради. Улар бизнинг назаримиздан четда қолмайди ва имконият бўлиши билан улар зобитлик штати бўйича вазифага тайинланади» дейди Антипин.

**Манбалар асосида Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.**

Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Regional Rural Water Supply & Sanitation Project
Қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси
Funded by Swiss Agency for Development and Cooperation
Implemented by International Secretariat for Water

SIE-ISW-SIA

**ПОЛИЭТИЛЕН (ПЭ) ҚУВУРЛАР ТЕНДЕРИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН**

Швейцариянинг Ривожланиш ва Ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилган ва Халқаро Сув Котибияти томонидан амалга оширилаётган "Қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси" фирма ва дилер корхоналарни лойиҳа бўйича Андижон ва Фарғона вилоятларидаги ишлари учун полиэтилен қувурлар сотиб олиш тендерида иштирок этишга таклиф қилади.

**Асосий талаблар:**
* Фирма/корхона таклиф қилган сўнги нархлар лицензияси нусхаси билан бирга почта ёки электрон почта орқали **2010 йил 30 июнь** кунигача кўрсатилган манзилга жўнатилиши керак.
* Тендер техник спецификация ва нархларни баҳолаш асосида ўтказилади.
* Транспортда ташиш, солиқ, юклаш хизматлари, суғурта, божхона тўловлари, қувурлар ва улар тайёрланган хомашёнинг сифати ва турига тегишли харажатлар қувурнинг чакана нархидан алоҳида берилиши шарт.
* Қувурларнинг чакана нархи ва барча бошқа харажатлари АҚШ доллари ёки ўзбек сўмида тақдим этилиши лозим.
* Сабаби кўрсатилмаган ҳолда лойиҳа истаган вақтда тендернинг бир ёки бир неча қатнашчиларининг таклифларини қисман ёки тўлалигича қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини сақлаб қолади.
* Таклиф этилган охирги нархлар корхона ҳужжатлари тақдим этилганидан сўнг 90 кун мобайнида амал қилиши керак.
* Батафсил маълумот учун берилган телефон ва манзил орқали офис иш вақтида мурожаат қилиш мумкин.

**Талаб қилинган қувурлар рўйхати ва миқдори:**
- 50 мм, қалинлиги 2,4 мм, 21 100 м
- 63 мм, қалинлиги 3,0 мм, 21 000 м
- 75 мм, қалинлиги 3,6 мм, 11 000 м
- 90 мм, қалинлиги 4,3 мм, 9 000 м
- 110 мм, қалинлиги 5,3 мм, 10 000 м
- 125 мм, қалинлиги 6,0 мм, 5 100 м
- 140 мм, қалинлиги 6,7 мм, 1 500 м

**Қувурлар спецификацияси:**
Қувурлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: янги, ишлатилмаган, бирламчи хомашёдан ишлаб чиқарилган, ичимлик суви таъминоти учун HDPE 80 ёки 100 туридаги, минимал босими 20°С да 6 атмосферадан кам бўлмаган.
Сифат Халқаро Стандарти (қуйидагиларнинг камида биттасига жавоб бериши шарт): DIN 8074, 8075, ISO 4427, ASTM D2239, ASTM D2737 ёки шуларнинг эквивалентига тўғри келадиган ёки ГОСТ 18599-2001 эквивалентлари.
Диаметри 63 ммдан кам бўлган қувурлар ўрам ҳолатида етказилиши лозим.

**Буюртмачининг манзили:** *(маълумот ва ҳужжатлар жўнатиш учун)*
Қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси
Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, 150100 Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 39-уй, 3-қават.
Эл.почта: rrwssp.isw.ferg@gmail.com
Тел/факс: + 998 73 224-23-41, + 998 73 224-26-95

**Етказиб бериш манзили:**
Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 62- уй, "Ўзсаламан" ҚК омбори

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «NUR FARM MEDIKAL» хусусий корхонаси (ИНН 301228591, ОКОНХ 71212)
**ТУГАТИЛАДИ**
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Ҳамза тумани, Жарқўрғон кўчаси, 49-уй. Тел: 726-10-12.

Тошкент шаҳар Учтепа туман ҳокимиятида рўйхатга олинган **«MUHAMMADAYUB SAVDO» МЧЖ** устав фонди 11 миллион 300 минг сўмдан 3 миллион 300 минг сўмга камайтирилганлигини
**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ жамоаси узоқ йиллар давомида ТошТЙМИда таълим бериб келган техника фанлари доктори, профессор
**Рамзиддин НУРМУҲАМЕДОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё кенгаши халқ депутатлари Нишон туман Кенгаши депутати Бован Усмоновга отаси
**Ҳаким БОБО**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Қашқадарё вилоят партия кенгаши партия фаоли, «Вилоятзооветтаъминот» масъулияти чекланган жамият раиси
**Рўзиқул АЛЛАЁРОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

# ЁШЛАРИМИЗНИ БИРЛАШТИРГАН, ДЎСТЛАШТИРГАН

## шижоат ва иродасини намоён этган спорт байрами

Андижон шаҳрида мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2010» спорт мусобақалари ниҳоясига етди. «Кичик олимпиада» байроғи бухороликларга топширилди.





Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Спорт ёш авлод қалбида юксак ирода, ғалабага интилиш, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик, ватанпарварлик сингари олижаноб фазилатларни тарбиялайди. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли оммавий спорт тизимининг юқори бўғини саналган — Универсиада мусобақалари ҳам ана шундай юксак мақсадларни ўзида мужассам этганлиги билан аҳамиятлидир.

Юртбошимизнинг «Универсиада — 2010» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригидаги **«Мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилаётган Универсиада ўйинлари, мана, ўн йилдирки, нафақат унинг иштирокчилари, балки барча ўғил-қизларимиз, бутун халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, Ўзбекистон талаба-ёшларининг нуфузли спорт анжуманига, таъбир жоиз бўлса, кичик олимпиадага айланди, десак, асло муболаға бўлмайди»** деган сўзлар мусобақа иштирокчилари ва мамлакатимиз ёшларига нечоғли катта ишонч билдираётганидан далолатдир.

— Ҳар бир учрашув муросасиз ва қизғин ўтди, — дейди шоҳмот бўйича «Универсиада — 2010» мусобақаларининг бронза медали совриндори, Қарши давлат университети физика-математика факультети 1-курс талабаси Акмал Файзуллаев. — Унда Антон Филиппов, Юлдуз Ҳамроқулова, Нодира Нодиржонова, Фаррух Каримов сингари таниқли шоҳмотчиларнинг дона сурганлиги ҳам сўзимнинг тасдиғидир. Шунга қарамай, «Универсиада — 2010» баҳсларининг совриндорлари қаторидан жой олишга мушарраф бўлдим. Бунгача «Умид ниҳоллари — 2006», «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари кумуш медаллари билан тақдирлангандим. Энди мамлакат биринчилиги ва халқаро турнирларда ўз маҳоратимни оширишга ҳаракат қиламан.

— Бугун ўз хурсандчилигимни сўз билан ифодалашим қийин, — дейди қўл тўпи бўйича Андижон вилояти қизлар терма жамоаси мураббийи Зулхумор Абдуллаева. — Мактабни тамомлагач, Андижон давлат университети жисмоний маданият факультетига ўқишга кирдим. Бу Универсиада мусобақаларида қатнашишим учун имконият яратди. Университетда таҳсил олиш билан бирга, қизлар ўртасида қўл тўпи бўйича маҳоратимни оширишга интилдим. Натижада 2002 йили Бухоро, орадан икки йил ўтиб Самарқанд, 2007 йилда эса Тошкентда ўтказилган Универсиада баҳсларининг финал босқичида Андижон вилояти терма жамоаси шарафини ҳимоя қилдим. Аммо бу мусобақаларнинг бирортасида совриндорлар сафидан жой ололмагандим.

*Аслида бундай нуфузли мусобақада қатнашишнинг ўзи ҳам бахт, деб биламан. Шу боис кўнглимни чўктирмай, изланишда давом этдим. Магистратурани муваффақиятли тамомлагач, Андижон давлат тиббиёт институти жисмоний тарбия кафедрасига ишга таклиф қилишди.*

Айни пайтда бу ерда талабаларга таҳсил бериш билан бирга, қизларга қўл тўпи сирларини ўргатаяпман. Шаҳримизда ўтказилган «Универсиада — 2010» мусобақаларида ўн нафар шогирдим вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, барча учрашувларда ғалаба қозонишди. Талабалик чоғимда эришмаган ютуғимга мураббийликда эришдим.

Дўстона ва ҳалол рақобат руҳида ўтказилган мусобақалар якунида 176 комплект медаллар шодаси эгалари аниқланди. Якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида энг кўп очко жамғарган Тошкент шаҳри терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Уларга энг юксак мукофот — Президентимизнинг «Универсиада — 2010» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси тақдим этилди. Иккинчи ўрин Андижон, учинчи ўрин эса Навоий вилоятлари талаба-спортчиларига насиб этди. Бу терма жамоаларга Президент соврини — «Дамас» автомобиллари топширилди.

Беллашув ҳамда баҳсларда алоҳида маҳорат кўрсатган спортчи ва мураббийлар турли номинациялар бўйича ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўзига хос кичик олимпиадага қиёсланган мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросимида «Универсиада — 2010» спорт ўйинлари байроғи туширилди. Сўнгра Андижон вилояти терма жамоаси эстафета байроғини мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг навбатдаги спорт байрамига мезбонлик қилувчи — Бухоро вилояти вакилларига топширишди.

«Универсиада — 2010» мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев қатнашди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ, Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

## СПОРТ ↘ SPORT



**Шоҳмот.** Республика шоҳмот клубида эркаклар ўртасида ҳам мамлакат чемпионати ниҳоясига етди. Давравий тартибда ўтказилган мусобақада 13 имкониятдан 9,5 очко тўплаган Андрей Квон учинчи ўринни банд этди. Лекин чемпионат низомига кўра, 10 тадан очко жамғарган Алексей Барсов ва Жўрабек Ҳамроқулов ўртасида 1-2-ўринлар эгаларини аниқлаш учун тайбрейк ўтказилди. Қисқартирилган вақтда ўтказилган тўрт ўйинда тенглик сақланиб қолди — 2:2. Ҳал қилувчи бешинчи ўйинда Барсов ғолиб чиқиб, чемпион бўлди. Ҳамроқулов эса иккинчи ўрин билан кифояланди.



**Футбол.** Тошкентнинг «Бунёдкор» клуби Осиё чемпионлар лигаси нимчорак финалида мағлубиятга учрагандан кейин клубда бош мураббий бўлиб ишлаётган бразилиялик Луис Фелипе Сколарининг кетиши тўғрисида миш-мишлар тарқалганди. Ўтган ҳафта Сколари клуб билан расман хайрлашди. «Бунёдкор»ни яна Миржалол Қосимов қабул қилиб олди ва мамлакатимиз чемпионатининг навбатдаги турида «Олмалиқ» майдонида бўлган ўйинда ғалабани нишонлади — 1:3. Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — «Андижон» — 2:0, «Хоразм» — «Насаф» — 1:2, «Навбаҳор» — «Нефтчи» — 1:1, «Машъал» — «Қизилқум» — 0:2, «Металлург» — «Шўртан» — 2:1, «Пахтакор» — «Локомотив» — 4:2.

Баркамол авлод орзуси

# Самарқанд озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи

Халқ хўжалигига керакли бўлган етук мутахассислар тайёрлаб келаётган ўқув масканларидан биридир. Ушбу таълим даргоҳида 1273 нафар ўқувчига 82 нафар тажрибали ўқитувчи-мураббий таълим-тарбия бермоқда.





Коллежда 41 та ўқув хонаси бўлиб, уларнинг барчаси замон талабига мос жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, таълим масканида барча ўқув қуролларига эга иккита физика, иккита кимё ва биология лабораториялари, хорижий тилларни ўрганишга ихтисослашган тўртта лингафон ҳамда интернет тармоғига уланган компьютер хоналари мавжуд. Ўқув муассасасининг ахборот-ресурс марказида 32 мингга яқин дарслик, ўқув-қўлланма ҳамда турли хил бадиий адабиётлар бор. Бундан ташқари, коллежда керакли ускуна ва хомашё билан таъминланган устахона, кичик нон, вафли ҳамда макарон цехлари бўлиб, у ерда ўқувчилар устозларидан олган назарий билимларини амалиётда қўллаш билан бирга, ўзларининг мутахассисликлари бўйича касб маҳоратларини ошириб бормоқда.

— Таълим муассасамизда талабалар қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан бизнеси, совутиш ва криоген техникалари агрегатлари ва машиналарини монтаж қилиш ҳамда таъмирлаш, бухгалтерия ҳисоби, туризм ва туристик хизматлар бизнеси, ҳуқуқ, иқтисодиёт, молия, халқаро бизнес, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва виночилик технологиялари йўналишлари бўйича пухта билим олишмоқда, — дейди коллеж директори Содиқ Валиев. — Янги педагогик технологиялардан фойдаланаётганимиз ўз самарасини бермоқда. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, коллежимизнинг иқтидорли ўқувчилари республика ва вилоят миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадалари, турли хил кўрик-танловлар ҳамда спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. Жумладан, вилоят бўйича ўтказилган «Касб маҳорати кўрик-танлови»да қатнашган коллеж ўқувчиси Ҳабибулло Самиий биринчи ўринга сазовор бўлди. У республика кўрик-танловида ҳам фахрли ўринга лойиқ топилди. Мини футбол бўйича вилоят ва шаҳарда ўтказилган чемпионатда ҳам коллеж жамоаси иштирок этиб, ҳар иккаласида биринчи ўринни эгаллади.

Коллеж ўқувчиларининг бундай муваффақиятларга эришишида таълим масканида фаолият юритаётган турли хил фан ва спорт тўгаракларининг ўрни беқиёс.

Бир сўз билан айтганда, коллежда таҳсил олаётган йигит-қизлар, касб-ҳунар ўрганиш билан бирга, кўрик-танлов, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

# Бойсуннинг қуралайлари

Санъат ғунчалари



Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги «Қуралай» болалар ансамбли 1991 йилда ташкил этилган. Истиқлол билан тенгдош ансамбл 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 53 нафар санъатга ҳавас қўйган истеъдодларни жамлаган.

Улар чанқовуз, сибизға, шувуллоқ, дўмбира, сурнай, най, дойра каби чолғулар жўрлигида воҳаликларга хос қўшиқлар куйлаб, рақслар ижро этишади.

Ансамбл дастлаб 1994 йилда Мустақилликнинг 4 йиллиги тантаналарида муваффақиятли иштирок этиб эл назарига тушди. Шундан кейин ўтган йиллар давомида ўндан ортиқ нуфузли кўрик-танловларда юқори ўринларга лойиқ топилди.

— 2001 йилда ЮНЕСКОнинг махсус совринини қўлга киритгандик, — дейди ансамблнинг бадиий раҳбари Усмон Йўлдошев. — Яқинда Самарқанд шаҳрида ниҳоясига етган болалар ҳаваскорлик ансамбллари кўрик-танловида бош совринга эга бўлдик.

— Бизнинг ансамблимизда истеъдодли болалар кўп, — дейди раққоса Севара Пардаева. — Биз учун барча шароитлар яратилган. Мақсадимиз куй-қўшиқларимиз, рақсларимиз билан халқимизга хизмат қилиш, меҳрибон устозларимиз ёрдамида санъатда, ҳаётда ўз йўлимизни топишдир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

BANK

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

манфаатли «ОМАД ҚУВОНЧИ» ютуқли омонатини таклиф этади.

Омонат бўйича фоиз даромади билан бирга, омонат бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражи натижасига кўра 50 дан ортиқ буюм ютуқлари соҳиби бўлишингиз мумкин.

Бош соврин — «НЕКСИЯ» автомобили!

Ютуқлар тиражи жорий йил август ойи 2-декадасида ўтказилади.

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
13594 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 2 3 5
Sotuvda erkin narxda